

Ҳадис илми мактабига янги ректор тайинланди



21:30 / 24 май 662

2024 йил 22 май куни Ҳадис илми мактаби педагоглар жамоасининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди.

Йиғилишда ташкилий масалалар кўрилди. Унга кўра, Ҳадис илми мактаби ректори Олимхон Юсупов бошқа ишга ўтганлиги сабабли, унинг ўрнига Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази Халқаро алоқалар ва зиёрат туризмни ривожлантириш илмий бўлим бошлиғи, Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) Барот Амонов тайинлангани маълум қилинди.

Йиғилиш давомида мутасаддилар Ҳадис илми мактаби янги ректори ва педагоглар жамоаси олдида турган муҳим вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Маълумот ўрнида, Барот Амонов Хожа Бухорий ўрта махсус ислом таълим муассасаси, Тошкент Давлат Шарқшунослик институтида таълим олган. Меҳнат фаолияти давомида Самарқанд давлат чет тиллари институти ўқитувчиси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказида турли масъул вазифаларда кўп йиллар ишлаган. Илмий фаолияти давомида

Миср, БАА, Ўмон, Малайзия, Россия, Буюк Британия, Германия каби давлатларда илмий сафарларда бўлиб, бир қанча халқаро анжуманларда иштирок этган.

Аллоҳ таолодан Барот Амоновга масъулиятли ва шарафли ишда улкан муваффақиятлар тилаймиз.